

Роббинг билан машғул бўл!



08:10 / 11.05.2020 1658

Шарикдан ривоят қилинади: «Иброҳим ибн Адҳамдан Али билан Муовия ўртасида бўлиб ўтган ишлар ҳақида сўраган эдим, у йиғлаб юборди. Мен берган саволимдан афсусландим. Ниҳоят, у бошини кўтариб, шундай деди: «Ким ўзини билса, ўз нафси билан машғул бўлади. Ким Роббини таниса, бошқаларни қўйиб, Робби билан машғул бўлади».

Абу Ваҳбдан ривоят қилинади: «Бир киши дунё сўзларидан сўзлаб, гап сотаётган эди. Бунни кўрган Иброҳим уни тўхтатиб, «Бу сўзинг билан дунёдан умид қиляпсанми?» деди. У: «Йўқ», деди. «Унга ишониб қоляпсанми?» деди. У: «Йўқ», деди. Шунда унга: «Нима иш қилсанг ҳам, бу дунёга умид қилма, унга ишониб қолма!» деб, бекорга гап сотишдан қайтарди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан